Калтакесак қочиб қутулди

Ривоят

Калтакесакни бекорга шундай атамас эканлар, чунки унинг туси ҳам кесак рангида бўлиб, бирон хавфга дуч келиб қолса, думини ташлаб қочарканда, ўзи калтагина бўлиб, кесакка ўхшаб, тупроқ ранги билан уйғунлашиб олар экан. Шу боис, ҳашаротлар баъзан кесак устига қўнарканлару унинг бирдан калтакесакка айланиб, еб қўйишини билмас эканлар.

Калтакесак шу тариқа бир ҳашаротни пойлаб, аста кетаётганида ўзининг ҳам ортидан узун бир илон изма-из арқондай эшилиб келаётганини билмас эди. Калтакесак ҳашарот ғамида, илон эса калтакесак ғамида, илонни эса юксак чўққидаги бургут худди дераза ойнасидан кўргандек яқиндан кузатиб турарди. Ҳашаротни тузоғига туширолмаган калтакесак ортига ўгирилган ҳам эдики, тўғрисида айри тилларини чиқарганча сўроқ шаклига кириб турган илонни кўрди. Унинг вишиллаб олган нафасидан гўё олов чиқаётгандек эди. Бу пайтда калтакесак ўз қаршисида бўғзи бир шишиб, бир пучайиб турган илонни эмас, балки ўз ажалини кўриб тургандек бўлди. Калтакесак ўзини йўқотиб қўймади. Нима қилиб бўлмасин омон қолиш керак. Тўғрисида жонигаю қонига ташна бўлиб турган илон. Икки ёни эса баланд қоя, тепалик. Илон калтакесакка:

- Жонингдан умидингни узавер! Қаёққа қочганинг билан барибир менинг ўлжамга айланасан!

- Мен ҳам анави ҳашаротни тутаман деб қаттиқ ишониб қолдим. Энди эса ўзим ўлжа бўлиш ҳолидаман. Эҳтиёт бўлгинки, сен ҳам ўлжага айланиб қолмагин,- дея калтакесак оёқ қўлини бирлаштириб, айлана шаклида қоядан пастга думалаб тушиб кетибди. У оёқ қўлини йиғиб олгани учун танасига шикаст етмабди ва кенг яйловга тушиб олгач, илоннинг комидан қутилибди.

Илонга калтакесакнинг гапи нимадандир хабар бераётгандек туюлибди. Турган жойида у аста секин атрофни кузата бошлабди. Не кўз билан кўрсинки, самода бир бургут илонни мўлжалга олганча найзанинг учидан ўткир панжаларини қайраб, шитоб билан пастликка шўнғиб келаётган эди. Илон жон ҳолатда ётган жойидан ўқдек сапчиб, ўрмалаб, тошларга урилиб, гиёҳларга сурилиб, ўзига пана жой излабди ва ниҳоят, тош остидаги бир тешикка кириб яширинибди.

Пастда кетаётган калтакесак омон қолганлигига хурсанд эди. Бундан саноқли лаҳзалар олдин уни емоқчи бўлиб турган илон ҳозир ундан рози бўлиб турганлигини ўзи билмас эди. Билганида балки илон билан дўстлашиб қолган бўлармиди?! Нима бўлганда ҳам, калтакесак ўз донолиги билан нафақат ўзининг, балки душманининг ҳам жонини сақлаб қолди.